

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № ОНД-1-22

«8» 01. 2022 й

Кўзи Ожизлар Жамияти тизимидаги “КОЖ Севинч - Нур” ўқув ишлаб чиқариш корхонаси МЧЖ кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи Рахбар Жамилов .Б.А бир томондан - РШО ва РШАТМ Бухоро филиали оловчи деб юритилади, узининг низоми асосида иш юритувчи рахбар - Саидов Ф.И. иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.**

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар (маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб оловчига мулк килиб топшириш, Сотиб оловчи эса товар(маҳсулот)ни қабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади

№	Наименование товаров (работ,услуг)	Ед. изм	Кол-во	Цена	Стоимость поставки
1	Тиббий тоза кислород	м3	600	8 150	4 890 000
	Всего к оплате				4 890 000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «31» 03. 2022 йилгача

**2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

- 2.1. Шартнома умумий суммаси 4 890 000\_ ( тўрт миллион саккиз юз тўқсон минг \_ ) сўм  
2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 1 467 000\_ сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг Январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 3 423 000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади.  
2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ оловчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) буйича тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган.  
2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

**3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:  
3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда сотиб оловчига ўз вақтида топшириш.  
3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.  
3.1.3. Сотувчи тўпلامда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.  
3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.  
3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.  
3.2. Сотиб оловчининг мажбуриятлари:  
3.2.1. Қабул килиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул килиб олади.  
3.2.1. Қабул килиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул килиб олади.  
3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги хакида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.  
3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

**4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.  
4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олиниши зарур.  
4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин

**5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:  
5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган қунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.



- 5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар кийматининг 5% миқдоридан жарима тўлайди;
- 5.4. Шартномада белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар кийматининг 50% миқдоридан жарима тўлайди;
- 5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган қунига тўланмаган сумманинг 0,5 % миқдоридан, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
  - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда;
  - Форс-Мажор ҳолатларида.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 122-моддасига асосан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга кириши назарда тутилган.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси, Ўз.Р. Бюджет кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Ўз.Р. қонун ҳужжатларига асосан иктисодий суди тартибидан ҳал қилинади.
- 8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят туманлараро иктисодий судида ҳал қилинади.

## 9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

## 10. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

«Сотувчи»

«Сотиб олувчи»

Кўзи Ожизлар Жамияти тизимидаги  
“КОЖ Севинч - Нур” ўқув ишлаб  
чиқариш корхонаси МЧЖ

РЦО ва РСНТМ Бухоро филиали

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: : Бухоро шаҳри Мирдўстим кўчаси  
112/1 поч.индекс:200105

Манзил: Бухоро ш. Риндубон 71

Тел/Факс: 91 412 81 15

Тел/факс: 85-228-58-50

Ш/хв 20 208 0001 045 619 32001  
ОКОНХ: 17116

ш/хв: 1000 218 600640170732 01054 008  
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 201511924

ИНН: 300064197

ОКОНХ: 91513

Банк номи: АТБ Агро банк Бухоро  
филиали

Газначилик бўлинмаси номи:

Бухоро вилоят Газначилик бошқармаси

МФО: 00089

Газна х/в: 23402000300100001010

Раҳбар:  Жамилов.Б.А.

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳри


МФО:00014

Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар:  Сауров Ф.Н.



(имзо)

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.Ш): 



(имзо)